

**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси  
Раисининг биринчи ўринбосари М.М.Мирзаевнинг 2022 йил июль  
бажарилган ишлари**

**Бюджет даромадлари ижросини таъминлаш  
ва қўшимча манбаларни жалб этиш**

**2022 йилнинг июль** учун белгиланган **12,1 трлн.сўм** прогноз кўрсаткичи **12,9 трлн.сўмга** (106,3%) бажарилиб, бюджеттга **761,2 млрд.сўм** қўшимча маблағлар жалб этилди.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўйича **2022 йил июль** ойи учун **2,7 трлн.сўм** белгиланган прогноз **2,9 трлн.сўмга** ёки 106 фоизга бажарилди.

**Стратегик режалаштириш бўйича**

Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳсулотлар (товар ва хизматлар) ягона электрон миллий каталогини жорий этиш ва товар-моддий бойликларни олиш учун ишончномаларни электрон расмийлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 28 апрелдаги 249-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Давлат солиқ қўмитаси мутахассислардан иборат тузилган ҳолда, маҳсулотлар (товар ва хизматлар) ягона электрон миллий каталоги мунтазам равишда янгиланиб борилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021-йил 20-майдаги “Мажбурий рақамли маркировкаланиши лозим бўлган маҳсулотлар рўйхатини кенгайтириш бўйича тажриба лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 322-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Асл белгиси” Миллий ахборот тизимида 6 та дори воситалари ва тиббий буюмларни, 5 та сув ва салқин ичимликларни 5 та майший техника ишлаб чиқарувчи корхоналар рўйхатдан ўтказилиб маҳсулотлар каталоги модулига синов тариқасида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар юзасидан тегишли маълумотлар (121 та дори дармон, 34 та сув ва салқин ичимлик, 768 та майший техника) жойлаштирилиши таъминланди.

**Солиқ низоларини судгача ҳал қилиш бўйича**

2022 йилнинг **июль ойида** жами 48 та 731,9 млн. сўмлик солиқ низосига оид шикоятлар келиб тушган бўлиб, уларнинг барчасини белгиланган тартибда кўриб чиқилиши таъминланган.

Хусусан, шикоятлар солиқ тўловчи вакиллари билан ҳамкорликда кўриб чиқилиб, 16 таси 241,5 млн. сўмлик мурожаатда солиқ тўловчининг позицияси қаноатлантирилган.

Шунингдек, 32 та 167,9 млн.сўмлик мурожаат бўйича давлат солиқ

хизмати органлари қарорлари ўз кучида қолдирилди ва бу ҳақда белгиланган тартибда тушунтиришлар берилди.